

САМАРҚАНД ТАРЖИМА МАКТАБИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ ЭДИ

Н. Рахматуллаев ¹*Аннотация:*

Мақолада Самарқандлик устоз мутаржим Пошали Усмон ўғлининг Самарқанд таржимашунослик мактаби шаклланиши, ривож ва тарихида тутган ўрни очиб берилган. Таржимонлик маҳорати Пошали Усмон томонидан амалга оширилган Н.А.Кунинг “Қадимги Юнон афсона ва ривоятлари” китобининг матни таҳлили мисолида далилланган. Жаҳон адабиёти дурдоналарининг турли тилли китобхонлар орасида кенг тарқалиши ва маданиятлараро мулоқотнинг мустаҳкамланишида бадиий таржиманинг ўрни ёритилган.

Калит сўзлар: бадиий адабиёти намуналари, иқтидор, бадиий таржима, улуг намояндалар.

doi: <https://doi.org/10.2024/v8dj3j82>

Хорижий тилларни ўрганиш жараёнида шу тил мансуб бўлган маданият билан танишиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, маданий жиҳатдан олиб қаралганда, бадиий адабиёт – мазкур тилда яратилган бадиий матнлар мажмуи билан ишлаш ҳам хорижий тилларни ўзлаштиришда катта аҳамият касб этади. Бошқа бир халқ бадиий адабиёти намуналари билан танишар экан талабилар шу тил асосида ётган маданий кодлар ҳақида тасаввурларга эга бўладилар ва келгусида хорижий тилдаги матн талқинида таянишлари мумкин бўлган муҳим маълумотларни кўлга киритадилар.

Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида таржимонлик бўлимининг очилиши билан бу ерда хорижий тиллардан иқтидорли таржимонлар тайёрлашга ихтисослашган юқори салоҳият ва тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг тўпланишига, бу билан Самарқандда таржимашунослик мактабига асос солинишига ва бевосита чет тиллардан таржима қила оладиган мутахассислар етишиб чиқишига замин яратди. Ушбу таржимашунослик мактаби ўз дарғаларига ҳам эга бўлиб, биз бу ўринда Пошали Усмон, Абдимурод Кўчибоев, Муҳаммаджон Холбеков, Салим Жабборов, Салоҳиддин Ҳайитов каби забардаст устоз-таржимонлар ва олимлар ёдга олишимиз жоиздир. Самарқанд таржимашунослиги ва бадиий таржима соҳасида Пошали Усмон ўғлининг таржима назарияси бўйича мақолалари, жаҳон адабиётининг дурдона намуналаридан ўзбек тилига ўгирган бадиий таржимага оид мероси алоҳида ўрин тутди. Бу тўғрида профессор Хуррам Рахимов ўзининг “Гётенинг “Фауст” фожианомаси ўзбек тилида” номли мақоласида шундай дейди: “Табиийки, таржима пайдо бўлгач, унга аслият тилини билгувчи чет тил мутахассислари ҳам эътибор қила бошлайди. Шундай ҳолда Фаустнинг ўзбекча таржимасини биз олмоншунослар ҳам ўргана ва унга муносабат билдира бошладик. Бу йўналишда таржимашуносларнинг сардори Ғайбулла Салом ва унинг ўзбек олмоншунос шогирдлари Сано Саидов, Пошали Усмон, Салим Жабборов, Шавкат Каримов ва бошқаларнинг мақолалари пайдо бўлиши, қолаверса бу асар таржимасини диссертацион тадқиқот материали сифатида ўрганилиб бориши табиий ҳол бўлди, албатта. Бироқ бу борада ажойиб журъат – асарни қайта таржима қилиш кераклиги ҳақида ҳам жиддий фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Бу масалада устоз Ғ.Саломов даъвати билан Самарқанд Чет

¹ Нодир Рахматуллаев, СамДУ

тиллар институтининг тажрибали олмоншуноси Пошали Усмон дадил ҳаракат бошлади ва асарнинг 1-қисми таржимасини 2000- йиллардан олдин бошлаган бўлсада, ўз таржимасини 2007 йилда А.Навоий кутубхонаси нашриётида чоп эттирди. Фаустнинг икки ўзбекчаси таржимасига келсак, унда кўзга ярқ этиб ташландиган ҳолат Экрин Воҳидовнинг гўзал шеърий таржимаси албатта. Таржима худди аслиятда яратилгандай силлиқ, гўзал ва рагон. Пошали Усмон таржимасини эса маълум маънода академик, илмий таржима дегим келади. Барча сўз ва иборалар, сатрма-сатр бир-бирига муқобил”. Бадий матн таржимасида таржиманинг ўқувчига кутилган даражада коммуникатив таъсирига эришишдан иборат бўлган прагматик вазифасини ҳисба олиш зарур. Бадий асарни таржимада ўқиган китобхон аслият муаллифининг адабиёи иқтидори кучини ҳис этиши лозим. Таржимон шунга эришолган экан, демак, аслият коммуникатив таъсирининг тўғри берилгани хусусида сўз юритиш мумкин. Аслиятдан таржимада улкан салоҳиятга эга устоз таржимон Пошали Усмон ўғли “Фауст”дан ташқари Г.Э.Лессинг қаламига мансуб “Эмилия Галотти” фожиасини ҳам немис тилидан бевосита ўзбек тилиги ўғирди: “Воситали таржимада хатога йўл қўймаслик учун аслият тилидан ўғиришга ўтиш маъқул. Бу соҳада Абдулла Шер, Жамол Камол, Янглиш Эгамова, Садриддин Салимов, Пошали Усмон ўғли каби зуллисонан мутаржимларнинг бевосита таржималари таҳсинларга лойиқдир” деб баҳо беради ушбу таржимага таржимашунос олим М.Аҳмедова ўзининг “Таржимачиликнинг долзарб муаммолари” мақоласида. Ёзувчи, таржимон, таржимашунос, танқидчи Иброҳим Ғофуров ҳам Пошали Усмон ўғлининг таржима соҳасидаги фаолиятига урғу берганини кўришимиз мумкин: “Таржимашуносликнинг матбуотда кўзга ташланаётган асосий тармоғи маърифий йўналишда. Муҳаммаджон Холбеков, Акмал Саидов, Пошали Усмон, Зухриддин Исомиддинов, А.Кўчибоев, Жаббор Эшонкул, Тилаволди Жўраев, Хуршид Дўстмуҳаммад сингари олимларнинг мақола ва рисоаларини ўқиб шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, ўзбек таржимашунослиги миллий адабиётимизни жаҳон адабиёти муаммолари билан боғлашга, миллий ҳудудлардан ўсиб чиқиб жаҳоний фикрлашга интилади. Уларнинг фикрлаш тарзларида ғарблик олимларнинг фикрлаш тарзига уйқашлик — прагматизм ва аниқликни кузатиш мумкин. “Фауст”, “Ғарбу Шарқ девони” таржималарининг муҳим хусусиятлари ҳақида ғоятда қизиқарли ва салмоқли, чуқур билимдонлик ва эрудиция билан ёзилган тадқиқотлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди”.

Ушбу мақоламизда биз Пошали Усмон ўғли таржима меросининг яна бир ажойиб намунаси – мифшуносликка қўшган улғ ҳиссаси – “Қадимги Юнон афсона ва ривоятлари” (Н.А.Кун) китобининг таржимасига эътибор қаратишни жоиз топдик. Китобнинг “Умрбоқий ривоятлар” номли кириш мақоласида тарих фанлари доктори, антик дунё бўйича йирик мутахассис А.А.Нейхардтнинг қуйидаги фикри ушбу таржиманинг аҳамияти ва таржимон маҳоратига эътиборни асослайди: “Маданият тарихи, адабиёт ва санъат билан қизиқувчи киши учун қадимги Юнонистон ва қадимги рим мифологияси билан танишиш тамоман зарурдир. Ахир, Уйғониш давридан бошлаб ёзувчилар, рассомлар ва ҳайкалтарошлар қадимги юнонлар ва римликларнинг миф (асотир)ларидан ўз асарлари учун сюжет танлашда кенг фойдалана бошладилар”.

Николай Альбертович Кун (1877 – 1940) – рус тарихчиси ва педагоги бўлиб, қадимги юнон мифларини рус тилига таржима қилган ва мифлар антологиясини тузган биринчи олим. Китоб 1922-йилда нашр этилган ва “Қадимги юнонлар ва римликларнинг ўз худолари ҳамда қаҳрамонлари ҳақидаги ҳикоятлари” деб номланган. Муаллиф вафотидан сўнг “Қадимги Юнон афсона ва ривоятлари” номи остида кўп марта нашр этилди ва кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди. Китобда мифлар икки қимга ажратилади. Биринчи қисми “Худолар ва қаҳрамонлар” космогоник мифлардан иборат ва абадий, бепоён, қоронғу Хаосдан вужудга келган

худолар ва оламнинг тарихи баён этилган. “Қадимги юнон эпоси” деб номланган иккинчи қисмида эса аргонавтлар, Троя уруши, Ахиллнинг жасоратлари ва ўлими, Одиссейнинг саргузаштлари, шоҳ Эдипнинг қисмати, Агамемноннинг фарзандлари Орест билан Антигонанинг фожиали тақдири ҳақидаги машҳур афсоналар ҳикоя қилинади.

Китобнинг биринчи қисми учун асосий манба бўлиб, Гесиоднинг “Машаққатлар ва кунлар” ҳамда Эсхилнинг фожиалари, Овидийнинг асарлари хизмат қилган. Иккинчи қисми тузиш учун муаллиф Ҳомернинг “Иллиада” ва “Одиссея” дostonларидан, Софокл, Эсхил, Пиндар, Еврипид, Овидий каби антик адабиётнинг улуғ намояндалари асарларидан фойдаланган.

Пошали Усмон ўғлининг таржимонлик маҳоратини асослаш учун “Қадимги Юнон афсона ва ривоятлари” (Н.А.Кун) китобидаги худолар ва қаҳрамонларнинг сифатларини кўриб чиқишнинг ўзи ҳам кифоя қилади. Мисол учун, мана бу парчанинг таржимасини кўрамиз: Н.А.Куннинг тавсифи да “Могучая, благодатная Земля породила беспредельное голубое Небо - Урана, и раскинулось Небо над Землей. Гордо поднялись к нему высокие Горы, рожденные Землей, и широко разлилось вечно шумящее Море”. Пошали Усмон ўғли таржимасида: “Қудратли, ноз-неъматларга бой бўлган Ер беҳудуд кўм-кўк Осмон – Уранни яратди, шундай қилиб, Ер узра Осмон пайдо бўлди. Ер яратган юксак тоғлар унга томон бўй чўза бошлади, мудом ловуллаб мавж урар денгизлар яралди”. Таржимоннинг иқтидори, маҳорати ва сўз бойлигининг ниҳоятда бойлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, сўзларнинг такроридан қочиб, бадиий матн шуқуҳини оширган ҳолда сифатлардан фойдаланишига қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз ўринли: “могучая Земля” – “қудратли Ер” “пурқудрат Ер”; “колебатель земли Посейдон” – “ерни титратувчи Посейдон”; “неумолимый, мрачный брат Зевса, Аид” – “Зевснинг шафқатсиз, даҳшатли укаси Аид”; “могучие титаны” – “ҳайбатли титанлар”, “қудратнок титанлар”; “Бог войны, неистовый Арес” – “Уруш худоси, оташин Арес”, “Не изнеженная, ветренная богиня Афродита” – “нозик ва енгилтак Афродита”, “воительница Афина” – “жанговар Афина” ва бошқа мисоллар.

Бадиий таржима – бу шунчаки бир тилдаги сўзларни бошқа тилга кўчириб ўтказиш эмас. Бу ҳар бир ёзувчи учун бетакрор бўлган овоз, услуб ва бадиий приёмларни ўз тилида қайта яратиш демак. Н.А.Куннинг китобида келтирилган Ҳераклнинг шер билан олишуви тасвирини қаранг: “Совсем к вечеру, когда уже надвигались сумерки, показался чудовищный лев с длинной косматой гривой. Натянул тетиву своего лука Геракл и пустил одну за другой три стрелы во льва, но стрелы отскочили от его шкуры - она была тверда, как сталь. Грозно зарычал лев, рычанье его раскатилось, подобно грому, по горам. Озираясь во все стороны, лев стоял в ущелье и искал горящими яростью глазами того, кто осмелился пустить в него стрелы. Но вот он увидел Геракла и бросился громадным прыжком на героя. Как молния сверкнула палица Геракла и громовым ударом обрушилась на голову льва. Лев упал на землю, оглушенный страшным ударом; Геракл бросился на льва, обхватил его своими могучими руками и задушил”. Ҳар қандай бадиий матннинг бош вазифаси аслият ёки таржиманинг ўқувчисига эстетик таъсир кўрсатиш бўлиб, муаллиф олдида ўқувчида маълум ҳисларни, тасаввурлар ва ассоциацияларни уйғотиш масаласи қўйилади. Ўқиш жараёнида тасаввур фаод иштирок этади; асар китобхон миясида китобдан келиб чиқадиган манзараларни ярата олиши, уни воқеаларга жалб этиши лозим. Айнан шу сабабли бадиий матнларда турли хил бадиий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилади. Ана энди ҳаёт мамот жангининг экспрессиясининг устоз таржимон Пошали Усмон ўғли томонидан ўзбек тилида қанчалик маҳорат билан гавдалантирилганига эътибор беринг: “Оқшом тушиб, тун шафағи бостириб келаётган чоғда узун ёллари пахмайган, лапанглаб келаётган ҳайбатли арслон кўзга ташланди.

Ҳеракл ёйининг камалак ипини таранг тортиб, арслонга бирин-кетин учта ўқ узди, лекин ўқлар унинг пўлатдай қаттиқ терисига урилиб қайтди. Арслон ваҳимали ўкирди, унинг момақалдироқ янглиғ ўкириши тоғу тошни ларзага келтирди. Дарада турган арслон атрофга алангларкан, унинг ғазаб ўтидан ёниб турган кўзлари билан ўзига ўқ узишга журъат этган зотни қидирарди. Ана, у Ҳераклни кўриб қолди ва беқиёс баланд сакраб, навқирон баҳодирга томон отилди. Ҳераклнинг гурзиси яшиндай чақнаб кетди ва момақалдироқ залворидай зарб билан арслоннинг бошига урилди. Даҳшатли зарбадан гангиган арслон ерга қулади. Шунда Ҳеракл арслонга ташланиб, уни ўзининг қудратли қўллари билан бўғиб ташлади”.

Юксак даражадаги лисоний ва маданий қобилиятларга эга бадабиё таржимонлар жаҳон адабиётининг бойлигини очиб бериш ҳамда уни китобхонларга етказишдек муҳим вазифани бажариб келмоқдалар. Улар синчковлик билан аслиятнинг аниқлиги ва унинг моҳиятини бошқа лисоний ва маданий контекстда вайта яратаётган, мослаштираётган сеҳргарлардир. Устоз мутаржим – Пошали Усмон ўғли ҳам нафақат аслиятнинг аниқлиги ва яхлитлигини сақлаб қололган, балки ўзаро тушунишга янги имкониятлар яратган, адабиё ҳамжамият ҳиссининг маданиятлараро эътироф этилиш ва мустаҳкамланишига улкан ҳисса қўшган Самарқанд таржимашунослик мактабининг йирик вакили эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Кун Н.А., Легенды и мифы Древней Греции. – М.: Издательство: Азбука, 2023.
- [2]. Кун Н.А. Қадимги Юнон афсона ва ривоятлари / таржимонлар: П.А.Усмон, Ф.Шукур. – Тошкент: Yangi nashr, 2014.
- [3]. Саломов Ф. Таржима ташвишлари. - Тошкент: Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
- [4]. Саломов Г. Адабий анъана ва бадиий таржима. - Тошкент: Фан, 1980.